

КОМПЕТЕНЦИЯ, КОМПЕТЕНТЛИК ВА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ ТУШУНЧАЛАРИ – ОЛИМЛАР ТАЛҚИНИДА

ф.-м.ф.н., доцент **А.Мавлянов**,

т.ф.н., доцент **И.Каримов**

Астрахань давлат техника университети

Тошкент вилояти филиали

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимида чет тиллар бўйича Давлат дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда янги типдаги давлат таълим стандартларига **«компетенция»** сўзи киритила бошланди [1].

Шу билан бирга, иқтисодиётдаги глобаллашув жараёнлари, ахборот жамиятининг шаклланиши, республикаимиз таълим тизимларининг интеграцияси тизим олдида янада муҳим вазифаларни, жаҳон таълим тизими олдида ўз мавқеига эга бўлишни қўймоқда. Бу ўз навбатида **компетенциявий ёндашувга** алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Компетенция кенг қамровли тушунча бўлиб, у инглизча «competence», яъни «маҳорат», «қобилият» муайян бир соҳада билимли, тажрибали деган маъноларни ҳам англатади [2].

Д.С. Ермаков [3] фикрича, **компетенция** – шахсни муайян бир маҳорат ва қобилият даржасига ёки тажрибасига эгаллиги. Уни шахс ҳаёт фаолиятининг турли жабҳалари, жумладан таълим учун ҳам ишлатиш мумкин. Мазкур тушунча таълимга илк бор, ЮНЕСКО ташкилоти қошида тузилган Э.Фор бошчилигидаги комиссиянинг «ўқимок» деган маърузаси орқали кириб келган.

Компетенция - шахсининг маълум бир фан соҳасида аниқ ҳаракатларни самарали бажариши учун зарур бўлган махсус қобилияти (шу жумладан юқори махсус билимлар). Компетенция бу - билимлар, кўникмалар, малакалар, сабаб омиллари, шахсий сифатлар, мақсадли вазиятларнинг умумий уйғунлиги бўлиб, қайсики аниқ ташкилот, аниқ гуруҳ, аниқ иш жойида, аниқ ишлаб чиқариш жамоаси ижрочиларининг самарали ечимларини таъминлаб беради [4].

В.И.Коломин [5], **компетенция** - маълумот, вақт, ресурслар етишмаслиги, сабаб-натижа муносабатларини билиш, бўлмаган ишларда импровизация зарурати билан боғлиқ бўлган турли мураккабликдаги муаммоли шароитларда касбий вазифаларни самарали ҳал қилишни таъминлайдиган касбий тайёргарликнинг шундай даражаси ва тури - стандарт вазиятлар деб тушунтиради.

Академик А.В.Хуторский [6] фикрича, **«компетенция»** – аниқ бир соҳада ўқитувчининг самарали продуктив фаолияти учун зарур бўлган таълимий тайёргарлигига олдиндан қўйиладиган ижтимоий талабдир. Турли компетенцияларни таҳлил қилиш уларнинг креатив (ижодий) йўналганлигини кўрсатади. Аслида креатив компетенцияларга қуйидагиларни келтириш мумкин: «тажрибадан фойдани келтириб чиқа олиш», «муаммоларни еча олиш», «ўтмиш ва ҳозирги ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ бериш», «янги ечимларни топа олиш».

“Компетентлик”, “компетенция” тушунчалари тавсифларида - билимлар мажмуининг амалда қўлланилиши; шахсининг ўқуви, хислатлари, фазилатлари; амалий фаолиятга тайёргарлик ўлчови; муаммоларни ҳал этиш, амалда зарур натижаларни қўлга киритиш лаёқати; шахсининг профессионал фаолиятини таъминловчи билим, кўникма, малакалар яхлитлиги; фаоллашган (амалиётга татбиқ этилган) ўқув, билим, тажрибалар мажмуи; шахсининг мақсадли йўналтирилган эмоционал ирода кучи каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади [7].

Бугунги кунда хорижда «компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари бўйича турли изоҳлашлар мавжуд. Жумладан, Г.К.Селевко фикрича, «компетенция» – субъектнинг мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ички ва ташқи ресурсларни самарали ташкил этишга тайёргарлигидир [8].

Дж.Равен [9] томонидан берилган компетенцияларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, унда турли компетентлик категорияларига яъни, «тайёргарлик», «қобилият», шахснинг психологик сифатлари «жавобгарлик», «қатъийлик» кабиларга алоҳида эътибор қаратилган.

Л.Н.Болотов [10], А.Л.Андреев [11]лар «компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларини синонимли деб ҳисоблашади ҳамда унинг амалий йўналганлигини шундай деб таъкидлашади: «...шундай қилиб, компетенция мавжуд билимлар билан инсон амалиёти фаолияти ўртасидаги муносабат доираси ҳисобланади».

Компетентлилик тушунчаси (лотинчадан *competentia*, *competere* сўзидан олинган бўлиб - “биргаликда эришаман, қозонаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маънони билдиради) луғатларда эса “нимадир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш”, “хабардор бўлмоқ, ҳуқуқли бўлмоқ” деган маънони билдиради.

Компетентлик – бу, «билим даражаси» сифатида «у ёки бу объектнинг моҳиятан реаллигини тафаккур қила олиш» масаласининг назарий жиҳатларини ўзлаштиришга қаратилган фаолият тушунилади. Тадқиқот ишимиз ғояси учун А.В.Хуторскийнинг компетенция ва компетентлик таърифлари, хусусан, «...маълум бир соҳада фаолият кўрсатишга имкон берадиган зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлган шахс – компетентли шахс», деган фикри мос тушади [6].

И.Т.Алиев [12] фикрича, **компетентлик** тушунчаси деганда, маълум бир соҳада талаба (масалан, бўлажак ўқитувчи) томонидан эгалланган компетенция, яъни маълум бир сифатларнинг тўлиқ шаклланган мажмуи тушунилади.

Ж.Маннопов [13] таъкидлашича, компетентлик таърифи ўхшаш ва бир-

бирини ўрнини тўлдиради, шу билан бир вақтда компетенция сўзи учун ягона изоҳлаш йўқ, бу тушунча “ваколатлар йиғиндиси (хуқуқ ва мажбуриятлар) қандайдир орган ёки лавозимли шахснинг қонун, низомлар билан белгилаб қўйилган ушбу орган ёки бошқа ҳолатлар”, “ниманидир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш”, “кимдир яхши хабардор бўлган саволлар тўплами” тушунилади.

С.Т.Турғунов [14] фикрича, халқаро педагогик амалиётда ўқитувчиларда **компетенцияларни** ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштириш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан илмий асослаш муҳим ҳисобланади. Бу давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларининг ривожланиш даражаси билан ўқитувчиларда ушбу компетенцияларни ривожлантириш жараёнлари субъектларининг шахсий ҳислатлари ва касбий қобилиятларини ривожлантириш даражаси ва илмий-методик таъминот ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш билан боғлиқдир.

М.Майбуров [15] таъкидлашича, **компетенцияли ёндашувга** асосланган таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у кишини ҳаётга, жумладан меҳнатга (касбга) тайёрлашни асосий мақсад қилиб олган тизимлашган, тегишли билим, кўникма ва малакаларни бериш орқали уни муайян маҳорат, қобилият даражасига етказиш воситасидир. Шунинг учун ҳам барқарор ривожланиш учун таълим айнан тизимлашган таълим босқичларида кишини муайян бир компетентлик даражасига етказиш воситаси дейиш мумкин. Аксарият ривожланган мамлакатларда коллеж, бакалавр, магистр, фан докторини дипломи ёки унинг касбий классификатордаги шифрига қараб эмас, балки компетентлик даражасига қараб ишга олади.

Компетенциявий ёндашувнинг асосий мақсадларидан бири бу, физика ўқитувчисининг мантиқий фикрлай олиш қобилиятини, фанларга оид компетенцияларни ривожлантириш ҳамда уларнинг билимларини ҳаётга татбиқ

эта олиш салоҳиятини ривожлантириш каби талаблар билан бойитилди. Фанга оид учта компетенция белгилаб олинган, хусусан, «Жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси».

Педагогларнинг компетентлигини оширишнинг ўқув-методик таъминоти сифатини оширишга қаратилган илмий ёндашувлар, амалий дарсларнинг виртуал шакллари жорий этиш, фанларни ўқитишдаги компетенциявий ёндашувлар, фанлараро боғлиқликни акс эттирувчи амалий дарслар асосида ўқитиш таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Таълим самарадорлигини оширишда унинг мақсад ва вазифаларига мос ўқув материаллари, таълим технологиялари танланиши лозим. Шундагина педагогларда таянч ҳамда фанга оид компетенциялар самарали ривожланади. Бу жараёнда педагог ўзининг касбий билимларини мунтазам бойитиш, ахборот ҳамда педагогик технологиялар билан қуролланишини талаб қилади. Чунки, педагогик технология мазмунининг асоси бўлган таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, ўзаро ҳамкорликда ўқишга, таълим олишга, шу йўналишдаги ёрдамга эндиgina таълим даргоҳига келган, бу янги дунёни эндиgina кашф этаётган ўқитувчилар бошқаларга қараганда кўпроқ сезади.

Шунинг учун ҳам Э.Ю.Давлетов [16]нинг таъкидлашича, мамлакатимизда педагогларнинг фаолиятини янги педагогик ва ахборот

технологиялар асосида модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу яратилаётган янги дарсликлар ҳамда улар асосида ташкил этилаётган дарсларда педагогларнинг малака ошириш курслари мазмунига педагогик технологиянинг ўрни, аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилаётган педагогик жараёнларда яққол намоён бўлади.

Педагогнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади, фанни ўқитишда педагог: ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва методларидан фойдаланиш; талабалар ўқув-билиш

компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш турларини билиш; замонавий дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш; муаммоли топшириқларни тузиш; дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; дарс ва дарсдан ташқари ишларни ташкил қилиш; дарсда буюк аجدодларимиз илмий меросидан фойдаланиш; иқтидорли талабалар билан ишлаш; илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш; замонавий талаблар даражасида дарсларни ташкил қилиш ва ўтказиш компетенцияларига эга бўлиши лозим..

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида компетенциявий ёндашув асосида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ривожланган давлатларнинг таълим стандартларини ўрганиш натижаларидан ҳамда мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тажрибасидан келиб чиқиб, компетенциявий ёндашувга асосланган фанлар бўйича узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳалари ҳамда компетентликни аниқлаш бўйича намунавий ишлар асосида назорат материаллари тайёрланди. Бунда амалдаги давлат таълим стандартларива ўқув дастури асосида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш билан биргаликда компетентлигини белгилайдиган материаллар ҳам киритилди. Буни педагоглар яхши тушунишлари ва ўзлаштириб олишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2013. 20-сон, 251 б.
2. Компетенция. Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғат. -Т.: «Педагог», 2007.; Словарь иностранных слов.-М.: «Академия», 2014.- С.191.
3. Ермаков Д.С. Компетентный подход в образовании // Ж. Педагогика. № 4.- М., 2011.- С. 8-15.
4. Базаров Т.Ю. Коллективное определение понятия «компетенции»: попытка извлечения смысловых тенденций из размытого экспертного знания // Вестник

- Московского университета. - Москва, 2014. № 1. Серия 14. Психология. - С. 87-99.
5. Коломин В.И. Фундаментальная подготовка по физике как основа формирования профессиональной компетентности будущих учителей физики: [Электронный ресурс] УРЛ: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. - 2010. - 65 с.
6. Хуторской, А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты Электронный ресурс/А.В. Хуторской//Интернет-журнал "Эйдос". Москва. - Режим доступа: [хттп://www.ейдос.ру/журнал/2002/0423](http://www.ейдос.ру/журнал/2002/0423).
7. Турдиев Н.Ш., ва б.қ.лар. Умумий ўрта таълим тизимида талабаларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Т.: - 2015. - 160 б.
8. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. -М.: Народное образование, 1998. - 256 с.
9. Равен, Дж. Компетентность в современном обществе. Выявление, развитие и реализация Текст. М., - 2002. (англ. 1984).
10. Холмухамедов М.М. “Таълим муассасаларида очик ўқув дарсларини ташкил этиш, ўтказиш ва таҳлил этиш”. Методик қўлланма. Самарқанд. - 2010. -15 б.
11. Ҳайитбоев К.Б. Таълим жараёнида лойиҳалаш усулидан фойдаланиш. “Замонавий педагогика фани ва таълимнинг инновацион технологиялар” Республика илмий-амалий конференцияси. Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФТИ. Т.: - 2008.
12. Алиев И.Т. Педагогнинг касбий компетентлиги // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. - 55 б.

13. Маннопов Ж., ва б.қ. Касб таълими ўқитувчисининг мустақил педагогик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантириш // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. - 209 б.
14. Турғунов С.Т. Педагогик жараёнларда ўқитувчилар рефлексив фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:. – **2018. – Б.12.**
15. Майбуrow М. Высшее образование в развитых странах // Ж. Образование за рубежом. № 2, 2003.- С. 132-144.
16. Давлетов Э.Ю. Таълимда компетенцияли ёндашув имкониятлари. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:. – **2018. – Б.248.**